

«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»

804 - сон

2020 йил « 3 » ИЮН

**«ТУРОНБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ ДИВИДЕНД
СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМИ**

«ТАСДИҚЛАНГАН»

Банк акциядорларининг
Навбатдаги йиллик ҳисобот
умумий йиғилишининг
2020 йил «27» июндаги
АС-2/17-сонли қарорига асосан
Умумий йиғилиш Раиси



 Р.М.Хайтметов

1. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур “Туронбанк” Акциядорлик тижорат банки (кейинги уринларда - “Банк”)нинг Дивиденд сиёсати (кейинги ўринларда - “Дивиденд сиёсати”) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги қонунларига, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунлари, Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган “Корпоратив бошқаруви кодекси” Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидалари ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига, шунингдек банк Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Мазкур Дивиденд сиёсатининг асосий мақсади дивидендлар тўлови тўғрисида қарорлар қабул қилиш, уларнинг миқдорини, тўлов тартиби ва муддатларини белгилашнинг акциядорлар учун шаффоф (очик) ва тушунарли механизмни ўрнатишдан иборат.

1.3. Дивиденд сиёсати дивидендлар тўлови миқдорларини белгилашда, инвестицион жозибadorликни, молиявий барқарорликни, капиталлаштириш ва Банк ликвидлигини оширишда Банк ва унинг акциядорлари манфаатлари мувозанати (баланси)га, шунингдек акциядорлар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва уларга қатъий риоя қилиш ҳамда уларнинг фаровонлигини оширишга асосланади.

1.4. Банк соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисми дивиденд ҳисобланади.

1.5. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акциялар сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

1.6. Дивидендлар миқдори Банкнинг ўтган давр мобайнидаги хўжалик фаолияти натижаларига қараб белгиланади.

1.7. Жойлаштирилган оддий акциялар бўйича дивидендлар тўлови тўғрисида қарор қабул қилиш (эълон қилиш) Банкнинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқи ҳисобланади. Банк ҳар бир турдаги акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

1.8. Банк акциядорларининг умумий йиғилиши қарори бўйича дивиденд пул маблағлари ёки Банкнинг бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

1.9. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендларнинг қимматли қоғозлар билан тўловига йўл қўйилмайди.

2. Банк дивиденд сиёсатининг қадриятлари ва принциплари.

2.1. Банкнинг дивиденд сиёсати қуйидаги принципларга асосланади:

- шаффофлик - дивиденд сиёсатини амалга оширишда иштирок этадиган томонларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги, шу жумладан

дивидендларни тўлаш ва тўлов миқдори тўғрисида қарор қабул қилиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш ва ошкор қилиш;

- ўз вақтида бўлиш - дивидендларни тўлаш бўйича муддатларни белгилаш;

- мувофиқлик - дивидендларни тўлаш ва тўлаш тўғрисидаги қарор, агар Банк ижобий молиявий натижаларга эришган бўлса, Банкнинг молиявий ҳолатига қараб ривожланиш режалари ва инвестиция дастурларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши мумкин;

- холислик - акциядорларнинг дивидендларни тўлаш, тўлаш ҳажми ва тартиби тўғрисидаги қарорлар тўғрисида маълумот олишга тенг ҳуқуқларини таъминлаш;

- давомийлик - дивиденд сиёсати принциплари ва тамойилларига қатъий риоя қилиш;

- ривожланиш - Банкнинг стратегик мақсадлари ўзгариши муносабати билан корпоратив бошқарув тартибини такомиллаштириш ва унинг қоидаларини қайта кўриб чиқиш доирасида дивиденд сиёсатини доимий равишда такомиллаштириш;

- барқарорлик - Банкнинг дивидендлар тўлашнинг барқарор даражасини таъминлаш истаги;

- қонунийлик - Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Банк Уставига риоя қилиш.

2.2. Банкнинг дивиденд сиёсати қуйидаги қийматларга асосланади:

- корпоратив бошқарувнинг юқори стандартларига жавоб беришга интилиш;

- Банк даромадлигини оширишда раҳбарият ва акциядорларнинг қизиқишини таъминлаш;

- Банк ва унинг акциядорларининг қисқа ва узоқ муддатли манфаатларининг мақбул уйғунлиги;

- Банкнинг инвестицион жозибadorлигини ошириш ва капиталлаштириш;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида ва корпоратив бошқарувнинг энг яхши амалиётида кўзда тутилган акциядорларнинг ҳуқуқларига ҳурмат ва қатъий риоя қилиш.

2.3. Банк капиталлашувнинг ўсишини Банк акцияларидан даромад олишда акциядорларнинг мулкый манфаатларини қондиришнинг асосий усули деб билади. Дивиденд сиёсати акцияларнинг бозор қийматини ошириш учун Банк томонидан олинган фойданинг истеъмол қилинган ва капиталлаштирилган қисми ўртасидаги нисбатни оптималлаштиришдан иборат.

3. Дивиденд миқдорини белгилаш ва уни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш (эълон қилиш)

3.1. Банк молия йилининг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойлиги натижалари ва (ёки) молия йили натижалари бўйича жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлови тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

3.2. Агар бир турдаги акциялар бўйича дивидендлар тўлови, дивиденд миқдори, унинг тўлов шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Банк Кенгаши тавсияси, шубҳасиз тўғрилиги тўғрисида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши муайян турдаги акциялар бўйича дивидендлар тўламаслик, шунингдек Банк Уставида дивиденд миқдори белгиланган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ миқдорда бўлмаган дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

3.3. Дивидендлар тўлови тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлови бошланадиган ва якунланадиган сана кўрсатилиши керак.

3.4. Банкнинг молия йилининг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойлиги натижалари бўйича дивидендлар тўлови тўғрисидаги қарори тааллуқли давр якунлангандан сўнг уч ой мобайнида қабул қилиниши мумкин.

3.5. Дивидендлар миқдори Банк Кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан юқори бўлиши мумкин эмас.

3.6. Тўланадиган дивидендлар миқдори қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишиши кераклиги назарда тутилган ҳолда, дивидендлар миқдори Вазирлик томонидан тавсия этилган миқдордан кам бўлиши мумкин эмас.

3.7. Дивидендлар миқдори битта эгасининг номи ёзиладиган акция учун ҳисоб-китобда акциялар бўйича дивиденд тўловларига йўналтирилган, жойлаштирилган ёки дивидендлар олиш ҳуқуқига эга шахсларда муомалада бўлган қайд этилган акциялар миқдорига бўлинган маблағларга асосланиб белгиланади.

3.8. Бир акциядорга ҳисоблаб ёзилган дивидендлар миқдори битта акцияга тўғри келадиган дивидендни акциялар бўйича дивидендларни эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинадиган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун тузилган акциядорлар реестрига мувофиқ мазкур акциядорга тегишли акциялар сонига кўпайтириш орқали белгиланади.

4. Дивидендларни тўлаш тартиби

4.1. Дивидендлар Банк ихтиёрида қоладиган соф фойдадан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

4.2. Банк акциядорларига молия йилнинг биринчи, иккинчи, учинчи чорақлари ва молия йили якунлари бўйича дивидендлар тўлови ташқи аудиторлик текшируви томонидан фойда тасдиқлангандан ва капитални ошириш учун чегирмалардан сўнг амалга оширилади. Дивидендлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки талабларига мувофиқ, эҳтимолий зарарлар ўрнини қоплаш ва тузатишларни амалга ошириш учун тааллуқли захира ташкил этилгандан кейингина тўланиши мумкин.

4.3. Дивидендларни тўлашда ҳисоблаб ёзилган, бироқ олинмаган фоизли даромадлар суммасига тузатилган ҳақиқий мавжуд фойдадан келиб чиқиш зарур.

4.4. Дивидендларни эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинадиган акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш учун тузилган Банк акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар дивиденд олиш ҳуқуқига эгалар.

4.5. Банк томонидан чиқарилган имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар биринчи навбатда тўланади, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича қайд этилган дивидендлар тўлови учун етарлича фойда мавжуд бўлган тақдирда, Банк қайд этилган акциялар эгаларига дивидендлар тўловини рад этиш ҳуқуқига эга эмас. Банк томонидан имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлови фойда етарлича бўлмаган ёки Банк зарар кўрган тақдирда, ушбу мақсад учун ташкил этилган Банк захира фонди ҳисобига ва унинг доирасидагина амалга оширилиши мумкин.

4.6. Акция эгаси ёки унинг қонуний ҳудудий вориси ёки меросхўри томонидан уч йил мобайнида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йигилиши қарори бўйича Банк ихтиёрида қолдирилади.

4.7. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби Банк Устави ва акциядорларнинг умумий йигилиши қарори билан белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати бундай қарор қабул қилинган кундан бошлаб 60 кундан кечиктирилмаслиги керак.

4.8. Банк акциядори - Ўзбекистон Республикаси норезидентининг ёзма талаби бўйича унга ҳисоблаб ёзилган дивидендларнинг эркин конвертацияланадиган валютага конвертация қилинишини акциядор-норезидент томонидан тақдим қилинган банк ҳисобварағига маблағлар ўтказмаси орқали амалга ошириши шарт.

4.9. Ҳар қандай турдаги акциялар бўйича эълон қилинган дивидендлар "29822-Тўлов учун дивидендлар" баланс ҳисобварағида акс эттирилади.

4.10. Дивидендлар қуйидагича тўланади:

- юридик шахсларга нақд пулсиз тартибда;

- жисмоний шахсларга уларнинг банк ҳисобварақларига нақд пулсиз тартибда ёки Банк кассаси орқали нақд пул маблағлари билан тўланади.

4.11. Акциядорнинг ёзма топшириги бўйича акциядорга тегишли дивидендлар белгиланган тартибда Банк акцияларини харид қилиш учун йуналтирилиши мумкин.

4.12. Дивидендлар Банк айби билан акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда тўланмаган (олинмаган) тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаш ставкасига асосланган ҳолда, тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича жарима (пеня) ҳисоблаб ёзилади. Тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича ҳисоблаб ёзилмаган жарима (пеня) миқдори тўланмаган (олинмаган) дивидендлар суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаслиги керак. Дивиденднинг тўлов муддати кечиктирилган давр учун жарима (пеня) дивиденд тўлов муддати тугаган кундан кейинги кундан бошлаб ҳисоблаб ёзилади.

4.13. Акциядор Банк томонидан ҳисоблаб ёзилган дивидендлар ва жарима (пеня) тўловини суд тартибида талаб қилиш ҳуқуқига эга. Акциядор талаблари суд томонидан қондирилган ҳолатда Банк томонидан дивидендлар тўланмаган тақдирда, Банкка нисбатан тўлай олмаслик ҳолатини бартараф этиш ёки қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда банкрот деб эълон қилиш тартиботи қўлланилади.

4.14. Банк акциядорларнинг дивидендларни олувчи тўғрисидаги маълумотлар мавжуд эмаслиги, нотўғрилиги ёки тўлиқ эмаслиги туфайли дивидендлар тўланмаганлиги ёки ўз вақтида тўланмаганлиги билан боғлиқ зарарлари учун жавобгар бўлмайди. Акциядорлар почта хабарлари ва бошқа билдириш хусусиятига эга хабарларни юбориш учун ўз маълумотлари, шу жумладан тўлов реквизитлари ва манзиллари ўзгаришлари тўғрисида Банкнинг акциядорларга хизмат кўрсатувчи Инвестицион воситачисини ўз вақтида хабардор қилишлари керак.

4.15. Акциядорга тузатилган маълумотлар бўйича дивидендларнинг такрорий ўтказилиши акциядорнинг ёзма ариза бўйича ва унинг ҳисобига амалга оширилади.

5. Дивидендлар тўлови бўйича чекланишлар

5.1. Банк қуйидаги ҳолатларда дивидендлар тўлови тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас:

- агар дивидендлар тўлови пайтига келиб Банкда тўлай олмаслик (банкротлик) аломатлари мавжуд бўлса ёки қайд этилган аломатлар дивидендлар тўлови натижасида пайдо бўлса, шунингдек агар тўлов оқибати Банк молия- хўжалик аҳволининг жиддий ёмонлашишига олиш келиши мумкин бўлса;

- агар Банкнинг соф активлари қиймати унинг устав ва захира капиталлари суммасидан камроқ бўлса;

- агар Банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган иқтисодий меъёрлар бузилган бўлса, шунингдек агар дивидендлар тўлови натижасида иқтисодий меъёрлар бузилса, бу эса оқибатда омонатчилар ва кредиторлар манфаатлари учун жиддий хавф пайдо бўлишига олиб келиши мумкин бўлса;

- агар Банкка нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг дивидендлар тўловини бекор қилиш тўғрисидаги талабномаси мавжуд бўлса.

Мазкур моддада қайд этилган вазиятлар тугатилгандан сўнг Банк акциядорларга ҳисоблаб ёзилган дивидендларни тўлаши шарт.

5.2. Банкнинг шахсий ҳарид қилинган акциялари бўйича дивидендлар ҳисоблаб ёзилмайди.

5.3. Агар Банкнинг тақсимланмаган фойдаси дивидендлар тўлови учун етарли бўлмаса, шунингдек агар дивидендлар тўлови Банк капитали етишмовчилигига олиб келса, Банк томонидан дивидендлар тўлови амалга оширилмайди.

6. Дивидендлар тўлови тўғрисида акциядорларни хабардор қилиш

6.1. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Қимматли цогозлар бозори тўғрисида”ги қонунларига, шунингдек “Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидалари”га (Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 31 июлда 2383-сон билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқ, “Тошкент” Республика фонд биржаси (www.uzse.uz), Банк (www.aab.uz) веб-сайтларида, шунингдек Корпоратив ахборот ягона порталида (www.openinfo.uz) Банк тегишли қарор қабул қилинган санадан бошлаб икки иш куни мобайнида Банк қимматли қоғозлари бўйича даромадлар ҳисоблаб ёзилиши тўғрисидаги хабарларни эълон қилади.

6.2. Хабар “Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидалари”га (Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 31 июлда 2383-сон билан рўйхатдан ўтказилган) қатъий мувофиқликда расмийлаштирилиши керак.

7. Дивидендларга солиқ солиш

7.1. Дивидендларга солиқ солиш солиқ қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

7.2. Дивидендлар миқдори уларга солиқлар ҳисобга олинмаган ҳолда эълон қилинади. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ, дивидендларга тўлов манбаидан солиқ солинади. Бунда Банк акциядорларга дивидендларни тааллуқли солиқлар чегириб қолинган ҳолда тўлайди.

7.3. Ҳисобланган дивидендларга тўлов манбаидан солиқ чегириб

қолишда, Банк уларга солиқ солиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан назарда тутилган имтиёзларни ҳисобга олади.

8. Яқуний қоидалар

8.1. Ушбу Дивиденд сиёсати унинг акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради.

8.2. Ушбу Сиёсат қоидаларидан бири ўз кучини йўқотган тақдирда, шу қоида бошқа қоидаларнинг тўхтатилишига сабаб бўлмайди.

8.3. Агар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида ушбу Сиёсатда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлар қоидалари қўлланилади.

Эксперт гуруҳи раҳбари :

Бошқарув Раисининг
биринчи ўринбосари



А.Т.Ташев

Эксперт гуруҳи аъзолари:

Бошқарув
Раиси ўринбосари



А.Т.Рискулов

Бошқарув
Раиси ўринбосари



С.Т.Калдибаев

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот
департаменти директори – Бош бухгалтер



Ш.Э.Бозоров

Ҳазначилик ва қимматли қоғозлар
департаменти директори



Д.А.Рустамов

Юридик хизмат департаменти директори



Б.Н.Арипов

Банк аппарати раҳбари




И.Т.Саламов

Кредитлаш департаменти директори в.в.б.



Ш.Н.Кумаков

Лойиҳаларни молиялаштириш ва инвестиция
фаолиятини мувофиқлаштириш Маркази
директори в.в.б.



З.А.Хамраев

Банкни стратегик ривожлантириш ва маркетинг
департаменти директори в.в.б.



Ф.А.Рузикулова

Банк рискларини бошқариш департаменти
директори



С.О.Сафаров

Чакана хизматлар кўрсатиш департаменти
директори в.в.б.



У.А.Эгамбердиев

Ташқи иқтисодий фаолият
департаменти директори




Б.Т.Шамуратов

Ахборот технологиялари
департаменти директори



З.Я.Ибрагимов

Ички аудит департаменти директори



Б.У.Ахмедов

Ички назорат департаменти директори



О.Р.Эргашев

Ходимлар билан ишлаш
департаменти директори



Ш.А.Ибрагимова

Банк хавфсизлиги ва ахборотларни
муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи



А.У.Ходжакбаров

Ишлар бошқармаси бошлиғи



А.А.Шаққулов